

Навоий давлат педагогика институтида битирувчиларга диплом топиришга бағишлаб ўтказилган тантанали тадбир шундай номланди. 1380 нафар бакалавр ва 48 нафар магистрдан ташкил топган ёшлар шарафли касб эгаларига айланди.

ОҚ ЙЎЛ СИЗГА, ШОГИРДЛАР

Хайрлашув кечасида институтнинг ўқув ишлари бўйича проректори Бахриддин Калонов институт фаолияти, яратилган шарт-шароитлар ҳақида гапирар экан, орзулари осмон ёшларнинг ишларига муваффақият тилади. Республика фан олимпиадаларида фахрли ўринни кўлга киритган талабалар ва уларнинг устозлари муносиби тақдирланди.

Мансур АЛОВУДИНОВ, «Ishonch» мухбири

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН

Нукус шаҳрининг 33-Кизилкум маҳалласида фойдаланишга топширилган «Шухрат» савдо мажмуаси аҳоли учун катта қулайлик яратди.

МАҲАЛЛАДА ЯНГИ МАЖМУА

Тиниб-тинчимас тадбиркор аёл Роза Ҳазратова билан саёй-ҳаракати туфайли маҳалла аҳлига намунали савдо хизмати кўрсатиш мақсадида банкдан олинган 200 миллион сўмлик имтиёзли кредит маблағи эвазига ушбу мажмуа барпо этилди.

— Обод турмуш йилида халқимизнинг рўзғори бут бўлиб, ҳаёт фаровонлиги янада ошмоқда, — дейди маҳалла фуқаролари йиғини раиси Салтанат Тожиҳужаева. — Янги савдо мажмуаси ишга тушиши натижасида маҳалланинг ўзида ҳамма нарсани харид қилиш имкониятига эга бўлди.

Ҳозирги кунда маҳалла аҳлига дорихона, чойхона, новвойхона, қандолатчилик, кийим-кечак цехлари, атторлик, озик-овқат ва ҳўжалик моллари дўконлари, гўшт растаси хизмат кўрсатмоқда. Мажмуанинг фойдаланишга топширилиши муносабати билан 40 дан ортиқ ёшлар ишли бўлди.

Ўз мухбиримиз



Gazeta  
1991-yil  
21-martdan  
chiqa boshlagan

Ўзбекистон касба uyushmalari Federatsiyasining nashri • 2013-yil 1-avgust payshanba № 91 (3284)

# Ўshonch

## Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!

Бугунги кунда халқаро вазиятнинг шиддат билан ўзгариши, давлатларaro зиддиятларнинг кучайиши, кескинлигининг янада ортиши, ер юзининг турли нуқталарида янги низо ўчоқларининг пайдо бўлиши — аини мана шундай ўткир масалалар жаҳон жамоатчилигида катта таъвиш ва хавотир уйғотмоқда.

Бу фикримизга қўшни Афғонистондаги ўттиз йилдан зиёд давом этаётган уруш ва қон тўкишлар яққол мисол бўла олади. Бугун, орадан шунча вақт ўтишига қарамастан, Афғонистондаги мавжуд вазиятни кўпчилик халқаро сиёсатчилар ночор, ўта оғир ва қалтис, деб баҳоламоқда.

Ушбу мамлакатдаги вазият бизнинг худудимиз, Марказий Осиё минтақасида

рахбари афғон муаммосини ҳал қилиш учун «6+2» мулоқот гуруҳини ташкил этиш ташаббуси билан чиққани ва 1999 йили мазкур гуруҳнинг Тошкент учрашуви бўлиб ўтганидан барчамиз хабардоримиз.

2001 йилда Президентимиз БМТ Бош қотибига йўллаган мурожаатида Афғонистонни демилитаризация қилиш масаласини БМТнинг Хавфсизлик Кенгаши кун тартибига қўйиш

Президент Ислам Каримов афғон моjarосини бартараф этишнинг ягона йўли — сиёсий йўл бўлиб, қанчалар қийин бўлмасин, қарама-қарши кучларни музокаралар орқали ўзаро келишувга олиб келиши экани тобора ўз тасдиғини топаётганлигини алоҳида таъкидлади. Аини шу аснода вақтинчалик ҳукумат тузиш, сайловлар ўтказиш, Афғонистон олдидан турган оғир муаммоларни ҳал этишга ўтиш имкони пайдо бўлишини бугунги кунда кўпчилик эътироф этмоқда.

Юқоридан зикр этилган Ўзбекистон Республикаси Ташқи сиёсий фаолият кон-

са ва таклифлар бугун нафақат мамлакатимизда, балки халқаро майдонда ҳам кенг акс-садо бермоқда. Чет давлатларнинг сиёсий-ижтимоий, эксперт ва илмий-академик доиралари, оммавий ахборот воситалари ва халқаро ташкилотлар томонидан кенг қўллаб-қувватланмоқда ва баҳс-мунозараларга сабаб бўлмоқда.

Энг аввало, давлатимиз раҳбарининг фикрларига бевосита Афғонистоннинг ўзидан катта қизиқиш кузатишмоқда. Президентимизнинг интервьюси ушбу давлатнинг етакчи оммавий ахборот воситаларида инглиз, дари ва ўзбек тилла-

«Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!» шорини асосий ғоя сифатида ўзидан муҳасам этган ташкилий-амалий тадбирлар ҳамда тарғибот-ташвиқот ишлари юртимизнинг барча гўшалари қатори Бухорода ҳам қизгин тус олаётир. «Ўзбекистон ижтимоий масъулиятли фуқаролари форуми» ННТ ҳамда Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан жамоатчилик вакиллари иштирокида жойларда кўпгина тадбирлар ўтказилди.

### Эзгу ишлар рўёби

«Агробанк»нинг Бухоро шаҳар филиали мажлислар залида ҳамкор ташкилотлар иштирокида «Оилавий тадбиркорлик — жамият тараққий-ётининг гарови» мавзусидаги семинар ташкил этилди. Унда мамлакатимизда ривожланиб бораётган оилавий тадбиркорликнинг жамият тараққий-ётини ўрни, истиқболи ва уларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ютуқлари гарови эканлиги хусусида батафсил тўхталиб ўтилди. Таърибли ва юқори малакали мутахассислар оилавий корхона очиб истагидан бўлган фуқаролар учун махсус машғулотлар ташкил қилиб, тегишли йўл-йўриқлар беришди. Тадбир иштирокчилари ўзларини қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб олдилар.

Шу кун «Ўзбекистон ижтимоий масъулиятли фуқаролар форуми» ННТнинг республика жамоатчилиги кенгаши аъзолари ИМФФ вилоят Ахборот марказига маҳалларда «Ёшлар маркази» ва спорт залини ташкил этиш, шунингдек, нон ва нон махсулотлари корхонаси ҳамда замонавий ускуналар билан жиҳозланган тикувчилик цехини очиб бўйича мурожаат этган Жондор туманининг «Пўлоти» қишлоқ фуқаролар йиғини худудида истиқомат қилувчи тадбиркор Темура Муҳаммадиев билан учрашди.

Хозирда Темура Муҳаммадиевга қарашли новвойхона аҳолига намунали хизмат кўрсатиб келмоқда. Тадбиркор лойиҳаси худуд инфра-тузилмасини ривожлантириш, янги иш ўринлари ташкил қилиш ва маҳаллий аҳолининг турмуш даражасини янада яхшилашга қаратилган бўлиб, учрашувда тадбиркорнинг иш фаолияти давомида юзга келган масалаларни ҳал этиш чоралари кўриб чиқилди ва корхона фаолиятини кенгайтириш имкониятлари белгиланди.

Жондор туманидаги «Алели» қишлоқ фуқаролар йиғини марказида уюштирилган маданий тадбир барчага завқ-шавқ улашди. Сўзга чиққанлар мамлакатимизда мустақиллик туфайли кўлга киритилган ютуқларни фахр билан тилга олдилар. Юртимиздаги барқарор тинчлик, фаровон ҳаёт учун шукроналик билдирилди.

Дилрабо куй ва қўшиқлар даврга файз бағишлади. Тадбирда ибратли хонадон соҳибларидан бири Холисхон Бозоровага Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан замонавий кир ювиш машинаси тақдим этилди. «Меҳр нури» жамғармаси Биби Орифа зиёратгоҳида ташкил этган хайрия тадбирида Ижтимоий масъулиятли фуқаролар форуми томонидан кам таъминланган оилаларга совғалар топширилди.

Иззатулла ҲОЖИЕВ, «Ishonch» мухбири

# «Ўзбек халқига тинчлик ва омонлик керак» рисоласи жаҳон жамоатчилиги эътиборида

тинчлик ва барқарорликка энг катта хавф-хатар бўлиб қолмоқда.

Бу моjarонинг ечимини топиш, жафоқаш афғон заминидан тинч ва осуда ҳаётни қарор топтириш масаласи Ўзбекистон ва қўшни мамлакатлар, қолаверса, дунёдаги кўпгина йирик давлатларнинг эътибор марказида бўлиб келаётгани, ўттиз йилдан ортиқ тарих давомида бу минтақада қанча-қанча қон тўкигани, миллионлаб одамлар бошқа ўлкаларда қочқ бўлиб кун кечираётгани, минглаб кишилар бедарак йўқолгани, қанча маблағ ва саёй-ҳаракатлар сарфлангани ҳақида кўп гапириб мумкин.

Афғонистон заминиданги уруш алангаси ён-атрофдаги мамлакатлар, эл-юртимиз учун қандай катта хавф-хатар ва нотинчлик туғдиргани ҳеч кимга сир эмас.

Шу боис, Ўзбекистон мустақилликка эришган биринчи кунлардан «Кўшнинг тинч — сен тинч», деган азалий халқ ҳикматиға амал қилиб, афғон моjarосини тинч йўл билан ҳал этиш ҳаракатида бўлиб келаётгани, бу муаммо доимо бизнинг эътиборимиз марказида тургани, давлатимиз раҳбарининг нуфузли халқаро минбарларда бу қарама-қаршилиқни бартараф этиш мақсадида жон куйдириб, дунё ҳамжамиятига такрор ва такрор мурожаат қилгани барчамизга яхши маълум.

Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов бундан йигирма йил аввал, яъни, 1993 йилда БМТ Бош Ассамблеясининг 48-сессиясида Афғонистон моjarосини жаҳон ҳамжамияти ёрдами билан ҳал этишга чақирди; 1995 йилда БМТ Бош Ассамблеясининг 50-сессиясида Афғонистонга қурол-ярроғ киритилишига қарши халқаро эмбарго қўйиш таклифи билан чиқиб, бу мамлакатнинг ички ишларига ташқи кучларнинг аралашувиға чек қўйиш зарурлигини таъкидлади; Афғонистонда коалицион ҳукумат тузиш моделини таклиф этди; 1997 йили мамлакатимиз

таклифини илгар сурди; 2008 йилда НАТОнинг Бухарест саммитида БМТ шафелиги остида «6+3» мулоқот гуруҳини ташкил этиш таклифи билан чиқди.

Бу рўйхатни яна давом эттириш мумкин. Ана шундай муҳим ҳужжатлар қаторида давлатимиз раҳбарининг бевосита ташаббуси билан ишлаб чиқилган Ўзбекистон Республикасининг Ташқи сиёсий фаолият концепцияси ва шу асосда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Қонуни минтақамизда тинчлик ва барқарорликни сақлаш ва мустаҳкамлаш йўлида ғоят муҳим аҳамиятга эга эканини таъкидлаш лозим.

Президентимиз 2013 йил 9 майда Хотира ва қадрлаш кунини муносабати билан оммавий ахборот воситалариға берган интервьюсида ўз эътиборини яна бир бор Афғонистондаги мавжуд воқеликка қаратиб, ушбу муаммонинг нақадар жиддийлиги ва унинг ечимини бўйича қандай амалий ҳаракат ва чора-тадбирлар зарурлиги хусусида сўз юритди.

Юртбошимизнинг ана шу интервьюсини ўз ичига олган, ўзбек ва инглиз тилларида чоп этилган «Ўзбек халқига тинчлик ва омонлик керак» рисоласи бугунги кунда нафақат мамлакатимиз, балки жаҳон жамоатчилигида катта қизиқиш уйғотмоқда, кенг муҳокама қилинмоқда.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаб ўтганидек, Афғонистондаги мавжуд ўта оғир ва таҳликали бир вазиятда АКШ ва Европа давлатларининг АЙСЕФ, яъни тинчлик ўрнатиш кучлари деб ном олган ҳарбий қўшинларнинг 2014 йилнинг охиригача ушбу мамлакат худудидан олиб чиқиб кетилиши билан Афғонистонда ўзаро қарама-қарши кучлар ўртасидаги курашнинг авжига чиқиши, террорчилик, қурол-ярроғ савдоси, наркотрафик, турли диний, миллатларaro низоларнинг кучайиши, фуқаролар урушининг яна қайтадан бошланиши хавфи ортади.

цепциясида мамлакатимиз «тинчликсевар сиёсат юртида ва ҳарбий-сиёсий блокларда иштирок этмайди», деб аниқ-равшан баён қилинган. «Ўзбекистон қўшни давлатлардаги қуролли моjarоларга ва кескинлик ўчоқларига тортилишининг олдини олиш юзасидан барча зарур чора-тадбирларни кўради, шунингдек, ўз худудидан хорижий давлатларнинг ҳарбий базалари ва объектлари жойлаштирилишиға йўл қўймайди», дея таъкидланади.

Шу борада мамлакатимиз раҳбарининг мазкур концепцияға асосланган ҳолда билдирган куйидаги фикрларини келтириш ўринлидир: «Ўзбекистон Афғонистоннинг ички ишларига аралашмаслик, Афғонистонга қарши қаратилган турли ҳарбий-сиёсий блокларда қатнашмаслик, Афғонистон билан алоқаларимиз ва ҳамкорлигимизни фақатгина икки томонлама асосда ташкил қилиш, афғон халқи танлаган ҳукуматни қўллаб-қувватлаш сиёсатини ўзига маъқул топади».

Бундай қатий, шу билан бирга, узоқни кўзлаган, чуқур ўйланган сиёсатни олдинга суриб учун Афғонистоннинг яқин қўшниси бўлиши Ўзбекистонда барча асослар бор. Авваламбор, бу Афғонистон билан узоқ тарихий ўтмишға бориб тақаладиган яхши қўшничилик, ўзаро ҳурматға асосланган алоқаларимиз, мамлакатимизнинг Марказий Осиёда тутган алоҳида ўрни ва минтақамизда тинчлик ва барқарорлиқни таъминлашға қаратилган ва жаҳон ҳамжамияти томонидан кенг эътироф этилган мустақам ва собитқадам ташқи сиёсатидир.

Айнан мана шу омиллар сабаб, «Ўзбек халқига тинчлик ва омонлик керак» рисоласида минтақамиз ва унинг атрофида руй бераётган кескин ўзгаришлар таҳлили, Афғонистондаги вазият ва афғон муаммосини ҳал этиш борасида билдирилган амалий хуло-


рида нашр этилди. Жумладан, Афғонистоннинг етакчи «Daily Outlook Afghanistan» газетаси, «Сахро» ижтимоий-сиёсий журнали интервьюнинг тўла матнини «Ўзбек халқига тинчлик ва омонлик керак» сарлавҳаси остида чоп этди.

Ислам Каримов интервьюси Афғонистон билан қўшни бўлган Покистоннинг «Balochistan today» ва «Iltihad» газеталарида, Эроннинг «Iran News» газетасида ва Хитойнинг «Lookwe» журналида, АЙСЕФ иштирокчилари бўлиши АКШ, Буюк Британия, Германия, Франция, Италия, Бельгия, Латвия, Туркия ҳамда мусулмон дунёсида ўз мавқеиға эга бўлган Саудия Арабистони, Кувайт, Малайзия ва бошқа давлатларнинг босма ва электрон нашрларида кенг ёритилди.

Таъкидлаш жоизки, хорижий оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган мақолаларда Ўзбекистоннинг Афғонистонда тинчлик ва барқарорлиқнинг ишончли тарафдори экани ва ушбу мақсадлар учун фаол сиёсий-дипломатик саёй-ҳаракат кўрсатаётганлиги алоҳида урғуланмоқда. Энг муҳими, барча нашрлар Ўзбекистоннинг принципиал позицияси — Афғонистондаги низоли бартараф этишнинг ягона йўли — сиёсий йўл эканлигини тўлалиғича қўллаб-қувватлаган ҳолда, мазкур муаммонинг ечимиға ўзаро курашаётган қарама-қарши томонларни музокаралар столи атрофиға тўплаш ва уларни муроасаға олиб келиш орқали еришиш мумкинлигини эътироф этишмоқда.

Интервьюда Президент Ислам Каримов томонидан Афғонистон борасида билдирилган фикр ва таклифлар жаҳоннинг етакчи сиёсатчилари, эксперт ва олимлари томонидан ҳам қизгин муҳокама этилиб, юқори баҳоланмоқда.

(Давоми 2-саҳифада).



Ўтаётган ҳар бир кун бизни энг улуг ва энг азиз байрамимиз — Ватанимиз мустақиллигининг 22 йиллик байралиға яқинлаштирмоқда. Ҳар гўшада ўзига хос байрам таратқуду. Қайға борманг яратувчилик, бунёдкорлик ишларига гўвоҳ бўласиз. Ўзбекистон Бадий академиясининг Марказий кўргазмалар залида ўз ишини бошлаган «Тошкент: кеча ва бугун» мавзусидаги бадий кўргазмани кўздан кеңираркансиз, истиқлол йилларида амалға оширилган ишлар қўлами нақадар кенглигини ҳис қиласиз.

## «Тошкент: кеча ва бугун»

Мустақиллигимизнинг 22 йиллигиға бағишланган ушбу кўргазма Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Ўзбекистон Бадий академияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги — УзА, Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ҳамкорлигида ташкил этилди. Унда турли вазирилик ва идоралар, жамоат ташкилотлари вакиллари, маҳалла оқсоқоллари, хотин-қизлар қўмиталари фаоллари, маънавият тарғиботчилари, талаба-ёшлар иштирок этди.

Кўргазманинг очилиш маросимида сўзға чиққан Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари, Хотин-қизлар қўмитаси раиси Фарида Абдурахимова пойтахтимизда амалға оширилган кенг қамровли ишлар истиқлол шарофати, Юртбошимизнинг ташаббуси ва ғамхўрлиги самараси эканлигини таъкидлаб ўтди.

— Бугун Тошкент тўла маънода жаҳоннинг энг кўркам ва обод шаҳарлари қаторидан ўрин эгаллади, — деди, жумладан, Ф. Абдурахимова. — Мустақиллик йилларида Тошкентнинг Ислам маданияти пойтахти деб эълон қилиниши, яшил шаҳар деган мақомға мутаносиблиги, аҳолининг яшаш шароити ва уларға яратилган қулайликлар нўқтани назаридан халқаро экспертларнинг бир неча бор юксак эътироф-

ларига сазовор бўлишида чуқур маъно бор. Бундай юксак баҳо, шак-шубҳасиз, муҳтарам Юртбошимизнинг истиқлолнинг дастлабки даврлариданоқ пойтахт тараққий-ётини, унинг истиқбол-и йўлида кўрсатаётган алоҳида эътиборининг амалий натижасидир.

Тадбирда Ўзбекистон Бадий академияси раиси Акмал Нуриддинов, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги Бош директори Маматкул Ҳазратқулов, академик расом Жавлон Умарбеков ушбу кўргазма мустақиллиқнинг пойтахтимиз тараққий-ётини тинимсолида қандай ўрин эгаллаганини намоён этиш билан бирга, иходкорларға янги парвозлар тилашининг ўзига хос ифодаси эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтишди.

Анжуманда Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раиси Танзила Нарбаева сўзға чиқиб, ушбу кўргазма маънавиятимизни юксалтириш ҳамда иходкорларда рағбат уйғотиш борасида муҳим аҳамият касб этишини таъкидлаб, Федерация Кенгаши иход аҳлини, айниқса, ёш, ихтидорли расомларни ҳамшира қўллаб-қувватлашға тайёр эканлигини билдирди.

Ҳа, бугунги Тошкентни илгариги ҳолати билан таққослаш қийин. (Давоми 4-саҳифида).

«Ўзбек халқига тинчлик ва омонлик керак» рисоласи жаҳон жамоатчилиги эътиборида

(Давоми. Бошланғич 1-саҳифада)

Жумладан, АКШнинг Жон Хопкинс университети қошидаги Марказий Осиё ва Кавказ институти раҳбари Фредерик Старрнинг таъкидлашича, Президент Ислом Каримов Афғонистондаги вазиятни «ўта оғир ва нозик» дея, аниқ ва равшан таҳлил этди. Бугунги кунда афғон муаммосини ҳарбий йўл билан ҳал этиб бўлмаслигини реал фикрлар олдидан ҳар бир инсон тушуниб етмаслиги мумкин эмас.

Нью-Йорк давлат университети профессори П.Морвиж Афғонистондан чет эл ҳарбий кучларининг олиб чиқиш кетилиши бу мамлакатдаги вазиятни тангликка олиб келиши мумкинлигини қайд этган ҳолда, Президент Ислом Каримовнинг бу борадаги сўзларини ўз халқининг тинчлиги ва оқсоқлигини таъминлаш ҳақида қайғурадиган чинакам давлат раҳбарининг ҳаракатидир, деб изоҳлайди. Мана шу сабаб, Ислом Каримов Афғонистондаги асосий кучларни ўзaro қарама-қаршиликларни музокаралик столи атрофида ечишга, ҳарбий тўқнашувларнинг янгитдан авж олиб кетмаслиги ва ушбу давлатдаги беқарорликнинг қўшни давлатларга тарқалишининг олдини олишга чақирмоқда, дейди П.Морвиж.

АКШнинг Карнеги Фондти эксперти М.Олкотт Афғонистон афғон муаммоси атрофидаги ўзгаларнинг ўйинларига қўшилмаслигини ва жанубдаги қўшниси билан муносабатларини фақатгина икки томонлама асосда, икки ишларга асосланганлик, тинчликсеварлик ва яхши қўшничилик принциплари асосида қуришини ижобий баҳолайди.

Америкалик мутахассис Афғонистонда ишлаб чиқарилаётган электр энергиясининг Афғонистонга етказиб берилиши ушбу давлатнинг иқтисодий ва ижтимоий тикланишига улкан ҳисса қўшаётганини таъкидлади. Икки давлатни боғлаб турувчи темир йўл ҳамда тезюрар автомобил йўлларининг барпо этилиши Афғонистон иқтисодий тиклашда муҳим аҳамият касб этаётганига эътиборини қаратади.

М.Олкотт, «Ўзбекистон, шубҳасиз, бундан кейин ҳам ўзининг икки томонлама муносабатлари доирасида Афғонистонни иқтисодий ва ижтимоий тиклаш жараёнида муҳим рол ўйнайди», дея ишонч билдиради.

Британия — Ўзбекистон жамияти раиси лорд Ф.Понсонби Афғонистондаги ҳозирги вазиятни чуқур аниқлаш ва уни келажакдаги ривож борасида қайғураётганини таъкидлаган ҳолда, Ислом Каримов томонидан илгари сурилган БМТ шафелиги остида «6+3» мулоқот гуруҳининг ташкил этилиши афғон муаммосини тинч йўл билан ҳал қилинишида муҳим рол ўйнаган бўлур эди, деб ҳисоблайди.

Британиялик сиёсатчининг фикрича, Афғонистондаги ўтиш жараёнида бу мамлакатда тинчлик ва барқарорликни таъминлашда барча қўшни давлатларнинг иштироки катта аҳамият касб этади.

Буюк Британиянинг Кембриж университети профессори С.Саксенанинг қайд этишича, Президент Ислом Каримов ўта чигал ва мураккаб ҳисобланмиш афғон муаммосини тинч йўл билан ҳал этиш учун батамом янги концептуал ёндашув

ни таклиф этиб, уни содда, лўнда ва кучли мантқиққа таянган ҳолда баён этди. Хусусан, Ўзбекистон раҳбари асосий эътиборни афғон халқи ва жамиятини жиқлаштиришга қаратиш, ҳар қандай шароитда ҳам, авваламбор, афғон халқининг иродасига таяниш лозимлигини таъкидлади. Айнан мана шундай ижобий ёндашувгина Афғонистонда неча ўн йиллардан бундан давом этаётган зуравонлик ва қон тўкилишини тўхтатиши мумкин, деб ҳисоблайди олим.

С.Саксенанинг сўзларига кўра, «Афғонистон, ўз назорати ва гегемониясини ўтказишга ҳаракат қилаётган бошқа давлатлардан фарқли ўларок, Ўзбекистондек тинчлик ва ҳамкорликка қарайётган ишончли қўшниси борлигидан фخرланса арзийди».

«Менга Ислом Каримовнинг Хотира ва қадрлаш кунини билдирган фикрлари, айниқса, уруш инсоният учун нақадар дахшатли киргин экани, бу офатнинг олдини олиш ва тинчлик-оқсоқликни асраш дунёдаги ҳар бир инсоннинг бурчи эканини куюни айтган сўзлари ниҳоятда қаттиқ таъсир қилди, — дейди германиялик эксперт Ф.Лемке. — Ўзбекистоннинг тинчликсевар ташқи сиёсат кўриши, дунёни қайтадан бўлиб олишга интилаётган давлатларнинг турли хил геосиёсий ўйинларида иштирок етмаслиги ҳам менда катта таассурот қолдирди».

Ф.Лемкеннинг фикрича, Ўзбекистон Президентининг «тинчликсиз ривожланиш бўлмайди, ривожланишсиз эса келажак ҳам бўлмайди» деган сўзларини ҳеч ким инкор эта олмайди. Шундай экан, Ислом Каримовнинг ўз халқига, қўшни халқлар ва жаҳондаги барча давлатларга Афғонистонда тинчлик ўрнатиш ҳақидаги чақирғи эзгулик ва ривожланишга қаратилган таклифлари кўллаб-қувватлаш нақадар муҳим эканилигини, ҳарбий йўл билан ҳеч қандай муаммони ечиб бўлмаслигини аниқлатади.

«Президент Ислом Каримов Афғонистон ташқи сиёсатининг асосий принципларини мамлакат мустақиллигининг 22 йиллик байрамни нишонлаш арафасида яна бир бор очик ва равшан баён этди», — дейди Францияда жойлашган Европа келажак ва хавфсизлигини таъкидлаш институти раҳбари Э.Дюпюи. Мутахассиснинг сўзларига кўра, Ўзбекистоннинг ҳар қандай ҳарбий-сиёсий блокларда ва ҳарбий интервенцияларда иштирок етмаслиги принциплари кўнуний асосга эга. Тошкентнинг бундай стратегияси Афғонистон билан икки томонлама ҳамкорлигини янада ривожлантиришга ёрдам беради, дея ишонч билдиради Э.Дюпюи.

Францияда чиқадиган «Les milleux des empires» таҳлилий журналининг бош муҳаррири С.д'Изарнинг таъкидлашича, Ислом Каримов интервьюси Афғонистон раҳбариятининг Афғонистондаги вазият борасида билдирётган асосли ташвишлари билан бирга, ҳар қандай шароитда ҳам Афғонистоннинг ушбу давлат билан яхши қўшничилик алоқаларига таянган қарор қилиниши позициясини кўрсатади.

2014 йил охирида АЙСЕФ қўшилларининг Афғонистондан олиб чиқиши вазиятини янада кескинлаштириб юбориши мумкинлигини инобатга олган ҳолда, С.д'Изар ушбу муддатга қадар Президент Ислом Каримовнинг умулмуаммо сиёсий музокаралини бошлаш ва зарурлиги келишувларга эришиш кераклиги ҳақидаги фикр

ва таклифлари жаҳон ҳамжамияти томонидан сўзсиз кўллаб-қувватланиши лозим, деб ҳисоблайди.

Бельгия Сенати аъзоси Доминик Тильманс «Жаҳон» ахборот агентлиги муҳбирига берган интервьюсида шундай деди: «Мен Ўзбекистон Президентининг Марказий Осиёда тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлашга қаратилган интилишлари билан мулоқот ҳамфикрман. Албатта, минтақадаги вазият оддий эмас. Бу борада Ўзбекистоннинг турли ҳарбий блокларга кирмаслик ва уларда қатнашмаслик позицияси мулоқот тўғри ва долзарбдир».

«Биз Ислом Каримовнинг Хотира ва қадрлаш кунини Афғонистон Афғонистонга нисбатан икки халқнинг туб манфаатларидан келиб чиққан ҳолда сиёсат олиб боради, деган сўзларини тўлиқ кўллаб-қувватлаймиз», дея таъкидлайди Хитойнинг Ижтимоий фанлар академияси хузуридаги Россия, Шарқий Европа ва Марказий Осиёни тадқиқ этиш институти ходими Су Чан.

Мутахассиснинг фикрига кўра, Хитой ва Афғонистон Афғонистоннинг қўшнилари сифатида ушбу мамлакатдан коалицион кучларнинг чиқиб кетишидан сўнг юзага келиши мумкин бўлган салбий вазият борасида жиддий ташвишланмоқда. «Биз Афғонистон муаммоси фақат афғон халқи томонидан ҳал этилиши, ҳар қандай ташқи кучларнинг аралашуви эса бу мамлакатдаги аҳолини янада оғирлаштириши ва минтақавий хавфсизликка салбий таъсир қўриши мумкин, деб ҳисоблаймиз. Шу билан бирга, Афғонистонга кўрсатилаётган иқтисодий ва гуманитар ёрдамни янада кучайтириш зарур», — дейди Су Чан.

Япониянинг Шарқий Осиё тадқиқотлари институти директори У.Магосанининг фикрича, Ўзбекистоннинг минтақавий хавфсизликни таъминлаш, халқаро терроризм, экстремизм ва гийёханд моддаларнинг ноқонуний айланувига қарши кураш сиёсати Марказий Осиёнинг барқарор ривожланиши учун энг муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

«Ҳақиқатан ҳам, Афғонистондан халқаро кучларнинг олиб чиқиш кетилиши миллатлараро мождорларнинг кучайишига ва чуқурлашишига олиб келиши мумкин. Шу сабабдан, Афғонистондаги мавжуд муаммоларни муваққат ҳукумат тузиши ва сайловлар ўтказиш йўли билан ҳал этиш кечиктириб бўлмайди ва вазифа ҳисобланади. Бу мураккаб жараёнда энг муҳим омил — янги сиёсий орган тузиш йўлида Афғонистоннинг турли сиёсий гуруҳлари орасида умумий келишувга эришишидир. Ушбу жараёнда ҳал этувчи бугун сифатида БМТ ва НАТО каби халқаро ташкилотлар, шунингдек, қўшни мамлакатлар иштирок этиши лозим. Муваққат ҳукуматнинг тузилиши Афғонистонда барқарор давлатчиликни шакллантириш ва кўпмиллатли афғон халқининг тинч-тотув яшашини унун қулай шароитлар яратишга имконият туғдиради», деб ҳисоблайди У.Магосани.

Япониянинг Ниагата университети профессори Шигеки Хамамаданинг таъкидлашича, Афғонистон ҳудуди ташқи кучларнинг «катта геосиёсий ўйини» майдони бўлиб қолмоқда — улар Афғонистондаги вазиятдан фойдаланиб ўз таъсир доираларини кенгайтириш ва маъқеларини кучайтиришга ҳаракат қилишмоқда. Эътиборлиси шундаки, Афғонистондаги вазиятнинг ўта нозиклиги ва унинг олдиндан

айтиб бўлмайдиган оқибатларга олиб келишига қарама-дан, ҳанузгача жаҳон ҳамжамияти ва расмий Кобул афғон муаммосини ҳал этиш бўйича ягона бир фикрга келмади, дея фикр билдиради япониялик мутахассис.

Малайзиянинг собиқ ташқи ишлар вазири ўринбосари, «Геракан» партияси раисининг ўринбосари, сенатор Кохилай Пилай Ўзбекистоннинг Марказий Осиёда минтақавий хавфсизликни таъминлаш борасидаги олиб бораётган сиёсати ва афғон муаммосини ҳал этишдаги ташаббус ва саъй-ҳаракатларини юқори баҳолайди. Унинг фикрича, Афғонистоннинг қўшниси сифатида Ўзбекистон бошқа давлатларга нисбатан ушбу мамлакатда рўй бераётган мураккаб сиёсий жараёнларни аниқ ва чуқур ҳис эта олади. Шунинг учун ҳам, Президент Ислом Каримов жаҳон ҳамжамияти эътиборини Афғонистонда ўзaro курашаётган томонлар ўртасида келишувга эришиш зарурлигини ва унинг асосида барча этник ва диний гуруҳлар манфаатини ифода этувчи коалицион ҳукумат тузишга жалб этмоқда. Фақат шу йўл билангина бу мамлакатда тинчлик ўрнатиш мумкин, дея таъкидлайди К.Пилай.

Малайзиялик яна бир эксперт, «Vipagu» университети профессори Сулфилор Хожи Сентери: «Афғонистонда тинчлик ва барқарорлик ўрнатилиши Ўзбекистон ва Марказий Осиё мамлакатлари учун улкан бозорга эга бўлган Осиё ва Тинч океани давлатларига энг яқин масофа билан чиқиш имкониятини яратди. Бу эса ушбу минтақаларда жойлашган мамлакатлар ўртасида савдо-иқтисодий ва инвестицион алоқаларини янада ривожлантиришга катта туртки беради. Шуларни инобатга олган ҳолда, АСЕАН ташкилотига кирувчи давлатлар ҳам Афғонистонда тинчлик ва оқсоқликни ўрнатилишидан гоёт манфаатдор», дея таъкидлайди.

Латвияда жойлашган Болтиқ халқаро академияси профессори И.Степановнинг сўзларига кўра, Ислом Каримовнинг яхши қўшничилик, ўзбек халқининг оқсоқлигини ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган оқилона сиёсати нафақат Марказий Осиё, балки Европа давлатларининг ҳам тинчлик ва хавфсизлигини таъминлашга катта ҳисса қўшади. «Ишончм комилки, Ибн Сино, Улугбек, Беруний ва Навоий каби буюк алломаларнинг фалсафаси ва дунёқарашларини ўзида муҳаммад этган ўзбек халқи ўз аждодларининг меросини давом эттирган ҳолда, халқлар ва давлатлар ўртасида тинчлик ва маърифий ҳамкорликни кучайтириш, донишмандлик, одамийлик ва бағрикенгликни тарғиб этади», — дейди И.Степанов.

Мухтасар қилиб айтганда, Президент Ислом Каримовнинг жорий йилнинг 9 май куни Хотира ва қадрлаш кунини муносабати билан берган интервьюсига хорижий мамлакатларнинг оммавий ахборот воситалари, сиёсий, академик, эксперт ва таҳлилий доира вакиллари томонидан билдирилган фикр-мулоҳазалар Ўзбекистоннинг Афғонистонда тинчлик ўрнатиш, Марказий Осиёда хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш бўйича чуқур уйланган позицияси жаҳон ҳамжамияти томонидан кенг кўллаб-қувватланаётганининг яққол далилидир.

«Жаҳон» ахборот агентлиги

Ўзги соғломлаштириш



Зиё чашмалари

Қашқадарё вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси тасарруфидаги «Зиё чашмалари» бола-қиз оромгоҳи ташкил топганига бу йил олтимиш йил бўлди.

Сўнгги йилларда касаба уюшмалари маблағи ҳисобидан 96 ўринли ёпиқ типдаги коттеж, ахборот-ресурс маркази, тиббиёт бўлими, 60 ўринли ётоқхона янгидан барпо этилди. Шунингдек, Косон, Китоё, Шахрисабз, Ғузур, Чироқчи, Қамачи, Яққабоб ва Қарши туман кенгашларининг саъй-ҳаракати билан «Касаба уюшма боғлари» ташкил этилди.

2011 йилдан бундан ўнгил-қизил турт навбат ҳордиқ чиқарилган, бешинчи навбатда вилоят миқёсида ўтказилган «Билимлар беллашувлари» танлови фойдаланиши билан олишлари йўлга қўйилди.

— Мавсумда 1200 нафар ўнгил-қизини соғломлаштириш режалаштирилган, — деди оромгоҳ бошлиғи Қажрамон Халимов. — Ҳар бир кун ўзига хос мазмунга эга. Айниқса, бола-қизларнинг маънавиятини

юксалтиришга қаратилган тадбирларга алоҳида эътибор берилди. Жумладан, «Биз буюк юрт фарзандларимиз» шиори остида давра суҳбатлари, учрашувлар, спорт мусобақалари ўтмоқда. Унда қатор ҳамкор ташкилотлар ўз совғалари билан бола-қизларни қўшув эътибориди.

— Ваҳоб Бердиев номидаги ҳамда «Зиё чашмалари» оромгоҳларида бўлиб, фарзандларимиз ҳолидан хабар оламиз, — дейди тармоқ касаба уюшмаси Шахрисабз туман кенгаши раиси Саъдулла Абдуллаев. — Ҳозиргача 200 нафар дам олувчи спорт либослари тарқатди. Шунингдек, туман боғлар ва ўсимирлар спорт мактаби мутахассислари билан биргаликда бир-биридан қизиқarli мусобақалар, «Нуроний» жамғармаси фахрийлари иштирокида давра суҳбатлари ўтказилди.

— Бу даргоҳда дам олиш барчага олам-олам заъф бағишлайди, — дейди қаршилик Мафтуна Абдуллаева. — Чунки, ҳар бир ўтаётган кун олдингинини такрорламайди. Масалан, «Китобсеварлар кунини»да ҳар хил эртақлар юзасидан савол-жавоблар бўлиб ўтса, «Мардлик ва жасурлик кунини»да ҳар қандай ўйинлар ўйнаб, саломатлигини мустаҳкамлаймиз. Оромгоҳда пазандалик, шахмат-шашка, гулчилик ва турли спорт тўғараклари ишлаб турибди.

— 1800 та китоб фондига эга кутубхона мавжуд, — дейди АРМ раҳбари Шоира Ҳужакулова. — Бу йил 500 та янги адабиёт келтирилди. Илгга ташна бола-қизлар ўртасида ҳар хил интеллектуал ўйинлар уюштирилди...

Ақмал АБДИЕВ, «Ishonch» муҳбири

Танлов

Ёшларни ижтимоий ҳимоя қилиш ва ўз бизнесларини йўлга қўйишлари учун имтиёзли кредитлар ажратиш мақсадида ўтказиб келинаётган «Ёш тадбиркор — элга мададкор» ҳамда «Ёш тадбиркор — келажакка пойдевор» танлови йилдан-йилга оммалашаётган. Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси, Республика Марказий банки бошчилигида «Микрокредитбанк», «Агробанк», «Ипотекабанк», «Қишлоқ қурилиш банк ОАТБ»лар билан «Қамолот» ЁИХ ҳамкорлигида амалга оширилаётган лойиҳалар ёшларга эртанги кунга ишонч ва қизиқишини янада оширмоқда.


Ғолиблар сараланди

Гулистон шаҳридаги 1-академик лицейида бўлиб ўтган уч кунлик семинарда ана шу танловнинг 50 нафар вилоят босқичи ғолиблари иштирок этди. Бўлажак тадбиркорларга малакали банк ва солиқ ходимлари атрофида маълумотлар беришди. Оралик танаффусда спорт мусобақалари ҳам ташкил этилди. 12 нафар ёш тадбиркорга ҳудудий банклар талабларидан келиб чиққан ҳолда кредит олиш учун сертификатлар топширилди. Нодир Уролов (сутни қайта ишлаш), Достон Оқийгитов (чиқиндиларни қайта

ишлаш), Шаҳноза Маматкулова (тикувчилик чеҳи), Азимжон Холов (жинси кийимларни тикиш) каби ёш тадбиркорлар ўз лойиҳаси билан сентябр ойида бўладиган танловнинг Республика босқичида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритишди.

Ғолиблар касаба уюшмалари Ёшлар кенгашининг қимматбахо совғалари билан тақдирланди.

Озода МАМАДАЛИЕВА, «Ishonch» муҳбири



Интиланганга

Бундан бир неча кун муқаддам ЎЗКУФК раиси Танзила Нарбаева Наманган вилоятига ташриф буюриб, бу ерда амалга оширилаётган тизимли ишлар самараси билан яқиндан танишди. Хусусан, Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Уйчи тумани кенгаши тасарруфидаги «КАР-ТЕКС» МЧЖ ҳамда «Тола» фермер хўжалиқларида ишчи-ҳодимлар учун яратилган шароитлар алоҳида эътироф этилди.

Мақсад аниқ, интилишлар ҳам

— Ташкилотимиз касаба уюшмасига яқиндагина аъзо бўлди, — дейди «КАР-ТЕКС» МЧЖ касаба уюшма кўрсатмалари раиси Фурқат Бухоров. — Аммо ишчилар манфаатини ҳимоя этишининг ўзига хос концепциясини ишлаб чиқишга улгурдик. Аслида, маъмур корхонада ҳар бир юмушнинг тевкор ва сифатли баҳарлилиши одагга айланган. Шунинг учун ҳам 170 нафар ишчи томонидан бозордаги талабни қондириш ва маҳсулотларни буюртмачига ўз вақтида етказиб беришга эришиб келинмоқда.

Дарвоқе, корхонанинг фаолият курсатаётганига ҳам унча кўп вақт бўлгани йўқ. «Уйчи йигирив-

тўқув» АЖ банкрот деб топилган, 2009 йилнинг сентябр ойида «Капиталбанк» сармояси билан корхона негизда «КАР-ТЕКС» ишга туширилди. Шу вақт оралмида доимий мижозлар ҳамда мўқобил даромад манбаларига эга бўлинди. Корхонада ишлаб чиқарилаётган калава иплар ички ва ташқи (ассосан Россия) бозорда сифат кўрсаткичларини ўзгартирмай келаятган маҳсулотлардан ҳисобланади.

Иш уч сменада ташкил этилган бўлиб, корхонага қатнаш учун автоулов ажратилган. Ҳар бир смена ишчи-ҳодимларига шинам ошхонада бир маҳал бепул иссиқ овқат берилади. Шахсий гигиена воситалари, бирламчи тиббий ёрдам ҳам бепул.

— Жамоамизда 102 нафар аёл хизмат қилади. Шунингдек,

ёшларни, яъни коллеж битирувчиларини иш билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратиб келмоқдамиз, — дейди Ф.Бухоров. — Ҳозир коллежни тамомлаган 30 нафардан ортиқ ёш ва фойратли ходимимиз бор. ЎЗКУФК раиси билан суҳбатдан сўнг маъмур контингент эҳтиёжларига янада жиддий ёндашиш зарурлигини тушуниб етдим. Шунингдек, ҳар бир бўлим учун алоҳида махсус кийим-бош ташкил этиш ҳаракатини бошлаб юбордик. Тўғри, шу пайтга қадар ҳам иш кийимлари корхона томонидан бепул тарқатилган, аммо эндиликда гап уларнинг дизайни масаласига жиддийроқ ёндашиш ҳусусида кетайди. Фаолиятимизнинг изчиллиги ва қонунийлигини таъминлаш

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 22 йиллиги олдидан

Жарқўрғон туманида амалга оширилган савобли ишлардан бири, бу ҳудуддаги барча маҳалла фуқаролар йиғинларининг идора билан таъминланиши бўлди.

Ўзгараётган



— Бинолар ён-атрофини кўкаламзорлаштириш мақсадида Са-риосиё ва Денов туманларидаги мевачилик-боғдорчилик хўжаликларидан хар хил мевали дарахт кўчатлари келтирилиб ўтказилди. Маҳалла ва қишлоқ фуқаролар йиғинларини замонавий компютер техникалари билан таъминлаш, бошқа алоқа воситалари билан жиҳозлаш ҳамда электр қуввати узлуксиз берилмайдиган линияларга улаш каби юмушлар ҳам бажарилмоқда, — дейди Жарқўрғон туман ҳокимлигининг кадрлар ва ташкилий ишлар бўлими мудири Фарход Яхёев. — Аҳолининг замонавий тиббий хизматдан фойдаланиши учун бошланган кенг кўламли курилиш ва таъмирлаш, шифохоналарни энг сўнгги русумдаги тиббиёт анжомлари билан жиҳозлаш ишлари давом эттирилмоқда. Туман тиббиёт биноларида шифохона ва шифолиқ тез тиббий ёрдам бўлими янги биноси фойдаланишга топширилди. «Сурхон» сув истеъмолчилари ҳудудидаги шифохона ва қишлоқ врачлик пунктларини таъмирлаш бошланган бўлиб, йил охиригача бу масканларда ҳам қишлоқ аҳолисини соғломлаштириш учун қатор қулайликлар яратиш кўзда тутилган.

186 минг киши истикомат қилаётган туманда меҳнатга лаёқатли инсонларни фойдали меҳнатга жалб этиш ва янги иш ўринларини яратиш бўйича 40 га яқин лойиҳалар асосида ташкилий ишлар амалга оширилмоқда. Иш ўринларини кенгайтириш ниятида ўтган йили фаолиятини бошлаган «Жарқўрғон баракали ёғ» хусусий корхонасида янги линиялар ишга туширилади. Натижада, етиштирилган кунгабоқар, ерэнгоқ, зигир каби қишлоқ хўжалик экинларидан шифобахш ўсимлик ёғи ишлаб чиқариш ҳажми ортади. Ҳозирда 500 нафар ишчи-хизматчи меҳнат қилаётган «Жарқўрғоннефт» Ўзбекистон — Россия қўшма корхонаси ҳудудини кенгайтириш, замонавий асбоб-ускуналар ўрнатиш ва яқин кунларда қўшимча 300 нафар кишини иш билан таъминлайдиган янги линияни ишга тушириш мўлжалланмоқда.

— Сурхон воҳасининг қишлоқ хўжалик экин майдонларида етиштирилаётган пахтанинг 30 фоизини қайта ишлаб, калава ип тайёрлаётган «Сурхонтекс» масъулияти чекланган жамияти ҳудудида янги линияни барпо этиш йўлида катта корхона қуриляпти, — дейди Жарқўрғон туман касабаси уюшмалари фаолиятини мувофиқлаштирувчи кенгаш ҳамда Агросаноат мажмуи ходимлари касабаси уюшмаси туман кенгаши раиси Суюн Жумаев. — Бу корхонани йил охиригача ишга тушириш ҳамда вилоятда етиштириладиган пахтани қайта ишлаб, тайёр матолар ишлаб чиқариш режалаштирилган. Бўлажак корхонада 200 киши ишли бўлади.

Рустам ДАВЛАТОВ, «Ishonch» мухбири



Толле ёр

мақсадида 2013-2015 йилларга мўлжалланган жамоа шартномаси лойиҳаси тайёрланди. Унда ходимларга кўрсатилмайдиган қатор ижтимоий имтиёзлар қатъий белгилаб қўйилган. Мазкур ҳужжатнинг ҳар бир банди ижроси доимий назоратимизда бўлади.

Жорий йилнинг охирига қадар корхонада янги линия ишга туширилиши режалаштирилган. Натижада яна 100 киши иш билан таъминланади.

Айни пайтда байрам кайфияти ҳукм сураётган корхонада Рамазон ҳайити ҳамда Истиқлолнинг 22 йиллиги тўйини нишонлаш учун тайёрларлик бошлаб юборилган. Ҳа, бу юрда эзгуликлар гузалликларга, тўйлар тўйга уланаверди. Тараққиёт қарвонига ўз улусини қўшиб бераётган «КАР-ТЕКС» ҳам бу ҳайрли ишдан мустасно эмас.

Аҳиллик бор жойда... Бу хўжалик ўғилларига чўп бериб, аҳилликка даъват этган

Битирувчи мамнунми?

Рағбат иштиёқ уйғотади

Шоҳиста яқинда Урганчдаги туризм ва тадбиркорлик касб-хунар коллежини тамомлади. — Ушбу йўналишни танлаганидан мамнунман, — дейди Ш. Шомуродова. — Боиси, мамлакатимиз раҳбарининг эътибор ва ғамхўрлиги туфайли Хоразмда сайёҳлик янада ривожланадиган бўлди. Президентимизнинг «2013-2015 йилларда Хоразм вилоятида туризмни ривожлантириш дастури тўғрисида»ги қарорига кўра, вилоятимизда туристик хизматлар ҳажми 2012 йилга нисбатан 4,9 баробар, туристик хизматлар экспорти 3,8 баробар, меҳмонхоналар сони 33 тадан 61 тага, яъни 1,8 баробар ўсиши режалаштирилган. Шу билан бирга, чет эллик туристлар сони 51,6 мингдан 89,1 минг кишига, ички туристлар сони 21,7 мингдан 37,9 минг кишига етказилиши белгиланган. Бу биз ёшлар учун яна бир имконият эшиги очилаётганидан далолатдир.

Шоҳиста Шомуродова Урганчдаги машҳур «Хоразм палас» меҳмонхонасида амалиёт ўтади. — Амалиёт жараёнида Таълим, фан ва маданият ходимлари касабаси уюшмаси Урганч шаҳар кенгаши раиси Сафаргул Бердиева ташриф буюриб, касабаси уюшмалари тизимидаги илҳомлар, аъзолик афзалликларини асослаш борасида амалга оширилаётган чоралар тадбирлар тўғрисидаги аниқликлар билан ўртоқлашди, — дейди Шоҳиста.

Урганч туризм ва тадбиркорлик касб-хунар коллежининг 17 нафар битирувчиси

қаторида Ш. Шомуродова ҳам касабаси уюшмалари томонидан энг кам иш ҳақининг 20 фоизи миқдориди рағбатлантирилди. — Бу йил тасарруфимиздаги 39 касб-хунар коллежини 12684 нафар ўқувчи тамомлади, — дейди Таълим, фан ва маданият ходимлари касабаси уюшмаси Марказий кенгашининг Хоразм вилояти бўйича масъул ташкилотчиси Муяссар Раҳимова. — Дастурга биноан кам таъминланган, боқувчисини йўқотган иқтидорли, саложнақли битирувчилардан 584 нафарига 9 миллион 200 минг сўм миқдориди бир марталик моддий ёрдам кўрсатилди. Шу

кунларда ўз иш фаолиятларини бошлаган ёшларга энг кам иш ҳақининг 50 фоизи миқдориди моддий ёрдам кўрсатиш тадбирлари давом этмоқда. Умуман, вилоят бўйича 2012-2013 ўқув йилида касб-хунар коллежларини 29447 нафар йигит-қиз тамомлади. Битирувчилар билан 13270 та корхона, ташкилот ва муассаса ўртасида уч томонлама шартнома имзоланиб, ёшларнинг ақсарияти ўз меҳнат фаолиятларини бошлади. Касб-хунар коллежлари битирувчиларининг бандлигини таъминлаш мақсадида йилнинг ўтган даврида вилоятда 35 та

меҳнат ярмаркаси ўтказилиб, 1067 корхона, ташкилот ва муассасалар ўзларидаги 12979 та бўш иш ўринлари билан қатнашди. Уларга жалб қилинган 7139 нафар фуқародан 1395 нафари коллеж битирувчиларидир. Шунингдек, 2012-2013 ўқув йили битирувчиларидан 1212 нафари тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш учун имтиёзли кредит олиш истagini билдирган. Бугунги кунга 472 нафарига имтиёзли кредит ажратилган. Қолган битирувчиларга имтиёзли кредит ажратиш масаласи тижорат банклари томонидан кўриб чиқилмоқда.

Яқинда Огаҳий номли вилоят мусикали драма театри биносида Урганч шаҳри ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларининг 2012-2013 ўқув йили битирувчиларига диплом топириш ва уларни ишга жойлаштириш бўйича ташкил этилган меҳнат ярмаркасига бағишланган «Қадрқимматим, таянчим ва ифтихо-

римсан, мустақил Ўзбекистон!» шiori остидаги байрам тадбири бўлиб ўтди. Тадбирда 600 га яқин ёшлар иштирок этдилар.

Унда 2-академик лицей битирувчиси, Зулфия номидида Давлат мукофоти совирдори Дилрабо Маткаримова, Урганч ижтимоий-иқтисодий коллежи битирувчиси, Қозоғистонда ўтказилган «АКСЕЛС» дастури танловида голибликни қўлга киритган Умрбек Жуманиёзов мамлакатимизда ёшлар камолотини кўзлаб амалга оширилаётган илҳомлар учун тенгқурлари номидан ўз миннатдорчиликларини изҳор қилдилар.

— Вилоят бўйича амалиётчи битирувчилардан 805 нафарига энг кам иш ҳақининг 20 фоизи миқдориди жами 12813,5 минг сўмлик бир марталик моддий ёрдам кўрсатилди, — дейди Хоразм вилоят касабаси уюшмаси ташкилотлари бирлашмаси раиси ўринбосари Камолжон Бекжонов. — Шу кунларда битирувчи ёшларнинг бандлигини мониторинг қилиш чоралари кўрилмоқда.

Муҳаббат ТўРАБОЕВА, «Ishonch» мухбири

Буюртма асосида

Навоий вилоятидаги «Навоийпахтасаноат» ҳудудий акциядорлик бирлашмасига қарашли «Zarafshon ip yigiruv» масъулияти чекланган жамияти ип-калава ишлаб чиқаришга ихтисослашган.



45 нафар ишчи-ҳодим меҳнат қилаётган корхонада кунига 450-500 килограмм ип-калава тайёрланмоқда. Сифатли калава мамлакатимиздаги тўқимачилик корхоналарига буюртма асосида етказиб берилмоқда. Жорий йилнинг биринчи ярмида жамият 36 тонна маҳсулот ишлаб чиқарди.

Суратларда: (чапдан) «Zarafshon ip yigiruv» масъулияти чекланган жамияти ишчилари Ойдин Немайтова ва Мохилул Очилова; «Zarafshon ip yigiruv» масъулияти чекланган жамиятида.

Сирож АСЛОНОВ (ЎЗА) олган суратлар

Ўқув

Жамоа шартномасининг муҳим бандларидан бири, одатда, меҳнат муҳофазасига бағишланади. Ушбу банднинг нечоғли мукамал тузилши, унда белгиланган шартларнинг бажарилиши меҳнат хавфсизлигини тўлиқ таъминлайди, соғлом иш шароитини яратди.

Хавфсиз ва соғлом меҳнат шароити билим, малака ва доимий назоратни талаб этади

Тошкент шаҳар касабаси уюшмаси ташкилотлари бирлашмаси кенгаши бюджет ташкилотларида «Меҳнат муҳофазаси тўғрисида»ги Қонуннинг бажарилиши юзасидан ўтказган ўқув машғулотини аниқ шунга кўра иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди.

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш бош қармаси ҳамкорлигида ташкил этилган машғулотда Олмазор туманидаги таълим ва тиббиёт муассасаларининг меҳнат муҳофазаси бўйича масъуллари малакаси оширилди. Икки кун давомиди уларга мавзуга оид тушунириш ва маслаҳатлар берилди. Жумладан, корхоналарда меҳнат муҳофазаси ҳолатини ўрганиш, ходимларга ўз вазифаларини бажариш чоғида жараҳатланиш, касб касаллигини чақиниш ва саломатлигини бошқа хил шикастланиши туфайли етказилган зарарни тўлаш қоидалари тушунирилди.

Мазлумотларга кўра, бу каби ўқувларнинг самараси ўлароқ кейинги йилларда иш жойларидида бахтсиз ҳодисалар сони тобора камайиб бораётди. Масалан, Тошкент шаҳри бўйича 2011 йилда 97 та шундай ҳолат кузатилган бўлса, 2012 йилда эса 72 та, жорий йилнинг ўтган ярмида эса 38 та ташкил этган. Ўқув чоғида бахтсиз ҳодисалар рўй берган корхона ва ташкилотларнинг деярли 70 фоизиди касабаси уюшмаси ташкилотлари тузилмаганлигига эътибор қаратилди.

Раъно МАҲКАМОВА, «Ishonch» мухбири

«Ишчи» деган тушунчалар йўқ экан. «Каттани ака, кичкинни ука» дея ҳурматлаш бор холос, дейди опа. Опа гапираркан, ховлини тўлдирган оғир техниклар қаторида савлат тўкиб турган «GM-Uzbekistan»нинг охириги йиллардаги маҳсулотлари — кўркам автомобилларга ҳавасини келиб тикилган.

— Ишлаган — тишлар экан, — сўзини давом эттирди опа. — Бир вақтлар эшигинида қўша-қўша машиналар бўлади, дейишса, ишонмаган бўлардим. Ҳаёл ҳам қила олмаган, аммо етиб келганимиз шундай кунлар учун беҳисоб шукроналар айтсақ, арзийди.

Шукр, сабр-қаноат, меҳроқибат, матонат... Бахту бараканинг қўлу оғби бўлган бу фазилатлар жам бўлган жойда эса ишлар олдинга босаверди.

Дилдора РАҲМОНОВА, «Ishonch» мухбири, Муаллиф олган суратлар

Дилдора РАҲМОНОВА, «Ishonch» мухбири, Муаллиф олган суратлар

Дилдора РАҲМОНОВА, «Ishonch» мухбири, Муаллиф олган суратлар

Дилдора РАҲМОНОВА, «Ishonch» мухбири, Муаллиф олган суратлар

Дилдора РАҲМОНОВА, «Ishonch» мухбири, Муаллиф олган суратлар

Дилдора РАҲМОНОВА, «Ishonch» мухбири, Муаллиф олган суратлар

Дилдора РАҲМОНОВА, «Ishonch» мухбири, Муаллиф олган суратлар

Дилдора РАҲМОНОВА, «Ishonch» мухбири, Муаллиф олган суратлар

Дилдора РАҲМОНОВА, «Ishonch» мухбири, Муаллиф олган суратлар

лан иш бошлаган эдик, — дейди фермер Толибжон ака Мўминов. — Бугунгидек омад, муваффақиятни ҳаёлимга ҳам келтирмаганман, десам ёлгон бўлади. Чунки шу орзулар йўлида акам Зокиржон, укам Олимжон билан тиним билмай ишладик ва изланмоқдамиз. Ният ҳолис бўлса, орзу ушларкан. Меҳнатларимиз ортидан обрў-эътибор, ҳурмат топаяпмиз, юзага чиқаяпмиз. Бир бахтли инсон, тотув оилага бундан ортиқ яна нима керак?

Тинимсиз меҳнат эвазига 2010 йилда 216,3 млн. (шундан соф фойда 69,4 млн.), 2011 йилда 370,9 млн. (шундан соф фойда 110,2 млн.), 2012 йилда 518,9 млн. (шундан соф фойда 201,7 млн.) даромад топилди. Бу рақамларни йўқдан бор қилишнинг ўзи бўлмаган бўлса керак. Келинг, фермер хўжалиги «биографияси»га назар ташлайлик.

Хўжаликка 2003 йилда ҳосилдорлиги паст бўлган 33 гектар экин ер майдони қўшилиб, жами ер майдони 64 гектарга өтди. Президентимизнинг 2005 йилдаги ширкат хўжаликларини тугатиб, унинг негизида фермер хўжаликлари ташкил этиш тўғрисидаги Фармонига асосланиб, хўжалик ўз өрини 101,6 гектарга, шундан экин майдонини 92,6 гектарга кенгайтириб, галла майдонини 38 га, пахта майдонини 54,6 га өтказган ҳолда ишловчилар сонини 39 нафарга кўпайтирди.

Хўжаликда дастлаб барча техника воситалари ижарага олиб ишлатилган бўлса, ҳозирги кунда лизинг асосида сотиб олинган 2 та ТТЗ-100, 1 та МТЗ-80, 1 та Т-28, 1 та Т-4А занжирли трактор, 1 та К-701 ҳайдов тракторлари мажмуд. Уларга масъуллар бириктирилиб, йилда 2 марта-ба техника кўриқдан ўтказила-

ди. Арава тиркамаси, чигит экиш мосламаси (сеялкаси), галла экиш мосламаси (сеялкаси), мола, борана, ўқариқ олиш, ер текислаш, бошқа барча ишлов бериш мосламалари ҳам шу өрнинг ўзиди бор.

Фермер хўжалигининг дала шийпони 2005 йилда мукамал таъмирланиб, фермер хўжалиги раҳбари хонаси, маънавият ва маърифат хонаси, ишловчи аёл ва эркаклар учун алоҳида-алоҳида кийиниш-ечиниш хоналари, овқатланиш хонаси, ошхона ташкил этилди. Ҳозирда касабаси уюшмаси учун ҳам махсус хона ажратилган.

2005 йилда 400 миллион сўм маблағ сарфланиб, 80 бош қорамолга мўлжалланган молхона, 2010 йилдан бошлаб тармоқларни кенгайтириш режалаштирилиб, 200 бош паррандага ихтисослаштирилган товуқхона қурилди. Шунингдек, тажриба учун аввалига 2 бош қўён боқилди. Ҳозирда уларнинг сони 120 дан ошиб кетди.

«Семантал» зотли 20 бош қорамол сотиб олиш учун «Агробанк»дан 130 млн. сўмлик кредит ажратилган бўлиб, ҳозирча 10 та наслдор сигир келтирилди.

Излаган имкон топар, дейишади. Иқтисодий имкониятлари кундан-кун ошиб бораётган хўжалигининг бирор қарич ҳам өрини бўш учуратмайди. Хусусан, хўжалик ҳудудида жойлашган, қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган ерлардан унумли фойдаланиш мақсадида 5000 туп терак кўчати ўтказилиб, парваришланмоқда.

«Тола»даги ҳар бир ишчи өр илмининг ҳадисини олган. 2001 йилда ҳар бир гектар ердан 28 центнер пахта, 55 центнер галла ҳосили олинган бўлса, бу кўрсаткич 2012 йилга келиб 41 ҳамда 73

центнерни ташкил этмоқда. Маҳаллий ўғитлаш, алмашлаб экишга асосий эътиборнинг қартилиши даромад юксалишига олиб келмоқда. Бу каби изланишлар муносиб баҳола-ниб, давлатимиз томонидан хўжалик «ДАМАС» автомаши-наси билан мукофотланди.

Истикбол бизнес режаси «Обод турмуш йили» Давлат дастури асосида ишлаб чи-қилган бўлиб, 2014 йилда пахта ва галладан янада юқори ҳосил олиш, мавжуд қорва молларидан олинади-ган сут маҳсулотларини қайта ишлайдиган мини цех ташкил этиш кўзда тутилган.

Маҳсулотни халқимизга етказиб бериш учун замона-вий архитектура ва шаҳарсоз-лик талаблари асосида Уйчи шаҳарчаси ҳудудида дўкон қуриш, мустақиллигимизнинг 22 йиллик байрамга ишга ту-ширишни мўлжаллаб туриб-миз, — дейди фермер. — Яна қўшимча 17 та янги ишчи ўрни яратиб, ишловчилар сонини 63 нафарга етказиш ҳам ре-жамизда бор.

Хўжаликда ишчилар учун қулай меҳнат ва дам олиш шароити яратилган. Ишга келиб-кечиш учун 2012 йилда 30 ўринли «Пазик 3285» русум-ли автобус ва етиштирилган ҳосилни давлат омборига та-шишга мўлжалланган «ЗИЛ» ҳамда жорий йилда «DAF» ав-томашинаси сотиб олинди. Ушбу транспорт воситалари хўжалик ишларидан ташқари буюртма асосида хизмат кўрсатиб, қўшимча даромад келтирмоқда.

Айни кунда меҳнат қилаёт-ган 46 нафар ишчининг ҳам-масига 600 кг дан бугдод тар-қатилди. Маош ҳам ўз вақти-да берилмоқда. Шийпонда икки маҳал овқатланиш таш-кил этилган. — Шийпон табиий газ тар-моғига уланган ва тоза ичим-лик суви билан таъминланган,

— дейди Санобархон Мўминов. — Бу эса ҳаммамизга қулайлик туғдиради.

Дарвоқе, Санобар опа оиланинг катта келини, хўжа-лик бош ҳисобчиси Зокиржон аканинг турмуш ўртоғи.

— Овсинлар ҳаммамиз шу өрга келиб, ошхонада, реза-ворлар экилган шийпон хов-лисида ишга уйнаймиз, — дей-ди опа. — Бу ерда тандир ҳам қурилган, тушиikka иссиққина нон өпамиз. Сут-қатиқ деган-дай, ишчиларнинг оғзига оқлик туттишга интиламиз. То-вуқлардан 80 таси туҳумга қирган. Хўжаликнинг ўзидан чиққан маҳсулотлар билан ҳам дастурхонимиз бийодайи ту-залмоқда. Хуллас, хирмонни тоғдай юксалтираман, деб юрган ишчи борки, бир даст-турхон атрофида қамланамиз.

Очик кўнгул опадан секинги-на биллиб олганларимиздан яна бири, бу ерда «бошлик», «ишчи» деган тушунчалар йўқ экан. «Каттани ака, кичкинни ука» дея ҳурматлаш бор холос, дейди опа. Опа гапираркан, ховлини тўлдирган оғир техник-лар қаторида савлат тўкиб турган «GM-Uzbekistan»нинг охириги йиллардаги маҳсулотлари — кўркам автомобилларга ҳавасини келиб тикилган.

— Ишлаган — тишлар экан, — сўзини давом эттирди опа. — Бир вақтлар эшигинида қўша-қўша машиналар бўлади, дейишса, ишонмаган бўлардим. Ҳаёл ҳам қила олмаган, аммо етиб келганимиз шундай кунлар учун беҳисоб шукроналар айтсақ, арзийди.

Шукр, сабр-қаноат, меҳроқибат, матонат... Бахту бараканинг қўлу оғби бўлган бу фазилатлар жам бўлган жой-да эса ишлар олдинга боса-верди.

Шукр, сабр-қаноат, меҳроқибат, матонат... Бахту бараканинг қўлу оғби бўлган бу фазилатлар жам бўлган жой-да эса ишлар олдинга боса-верди.

Шукр, сабр-қаноат, меҳроқибат, матонат... Бахту бараканинг қўлу оғби бўлган бу фазилатлар жам бўлган жой-да эса ишлар олдинга боса-верди.

Шукр, сабр-қаноат, меҳроқибат, матонат... Бахту бараканинг қўлу оғби бўлган бу фазилатлар жам бўлган жой-да эса ишлар олдинга боса-верди.

Шукр, сабр-қаноат, меҳроқибат, матонат... Бахту бараканинг қўлу оғби бўлган бу фазилатлар жам бўлган жой-да эса ишлар олдинга боса-верди.

БОКС

Санкт-Петербург шаҳрида ўтказилган халқаро турнир миллий терма жамоамиз аъзолари учун омадди келди. Мусобақада дунёнинг ўндан ортиқ мамлакатидан 100 га яқин «чарм кўлқоп» устаси қатнашди.

Олтин ва бронза

91 кг.дан юқори вазнли боксчилар орасида вакилимиз Улугбек Мубинов Россия вакиллари Алексей Дюон, Гасан Гимбатов ва

Максим Никифоровни бирин-кетин мағлубиятга учратиб, олтин медалга сазовор бўлди. Бунёдбек Машарипов,



Қобилжон Бобононов, Отарбек Иброҳимов, Зухриддин Маҳкамов ва Аббос Атоевларга бронза медал насиб этди.

ЖАНГОВАР САНЪАТ

Жанубий Кореянинг Пенг Чонг шаҳрида жанговар санъатлар бўйича «Мулинмипкс — 2013» халқаро турнирида ўттиз икки мамлакатдан олти мингдан зиёд спортчи голиблик учун жанг олиб борди. Мазкур мусобақада вакилларимиз биринчи бор қатнашди.

Олти ёшли чемпион



Дунёда кенг тарқалиб бораётган хайдонгумдо беллашувларида болалар, ёшлар ва катталар баҳсларида вакилларимиз томонидан тўрт олтин, уч кумуш ва икки бронза медал қўлга киритилди. Мазкур беллашувларда 700 дан ортиқ жангчи иштирок этгани

нини инобатга оладиган бўлсак, ҳамюртларимизнинг галабалари нечоғлик аҳамиятга эга янада ойдинлашади. Айниқса, олти ёшли Хумуюн Ҳасановнинг олтин медални қўлга киритиши кўпчиликнинг диққатини тортди.

ЕНГИЛ АТЛЕТИКА

Франциянинг Лион шаҳрида енгил атлетика бўйича имконияти чекланган спортчилар ўртасида жаҳон чемпионатида ҳамюртимиз, 2012 йили Лондонда бўлиб ўтган Паралимпия ўйинлари қатнашчиси Дониёр Солиев уч қатлаб сакраш мусобақаларида 15,06 метр натижа кўрсатиб, кумуш медал совриндори бўлди.



Яхшиланган натижа

Таъкидлаш жоизки, мазкур жаҳон чемпионати спортнинг ушбу тури бўйича нуфузи жиҳатидан Паралимпия ўйинларидан кейин турадиган мусобақа ҳисобланиб, бу йилги жаҳон чемпионатида 99 давлатдан 1100 дан ортиқ атлет голиблик учун кураш олиб борди.

Этиборлики, Дониёр Солиев мазкур йирик спорт аждамолида нафақат ўзининг шахсий рекордини янгилашга, балки 2012 йилги Паралимпия ўйинларининг уч қатлаб сакраш мусобақаларида олтин медалга сазовор бўлган спортчининг натижа-

сидан (15,01 м) ҳам юқори кўрсаткични қайд эта оlishга муваффақ бўлди. Уч қатлаб сакраш баҳсларида қатнашган яна бир спортчимиз Фаррух Мирзақулов, диск улоқтириш бўйича Хусниддин Норбеков кучли тўртликдан жой олди.

«ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИ — 2013»

Мўғулистонда эркин, юнон-рум ва хотин-қизлар кураши бўйича катта рақиблар ўртасида Осиё чемпионати якунланди. Қўшма мамлакатидан уч юзга яқин спортчи иштирок этган мусобақада полвонларимиз икки олтин, икки кумуш ва бешта бронза медал соҳибига айланди.

Кадетлар курашганда

Чемпионатнинг юнон-рум кураши баҳсларида 46 кг. вазн тоифасида гиламга чиққан Илҳомжон Баҳромов қозоғистонлик Азамат Биссенғалиев, тожикистонлик Фаридун Тилоев ва ҳиндистонлик Раҷеш Раҷешини мағлубиятга учратиб, Осиё чемпиони деган шарафга эришди. Шунингдек, Камариддин Зайниддинов ва Исмоилдин Нейматов кумуш, Далер Раҳматов, Мирзобек Раҳматов ҳамда Жаҳонгир-

мирзо Нурматов бронза медалли бўлишди. Эркин кураш бўйича Аббосбек Раҳмонов (50 кг.) мўғулистонлик Гундсамбу Базардари, қозоғистонлик Мақсад Боймухаммедов ва Корея Халқ Демократик Республикаси вакили Хан Сонг Кимни енгиб, шохсупанинг энг юқори поғонасидан жой олди. Полвонликчи Санжар Машарипов ҳамда хотин-қизлар ўртасида Х.Норбоева Осиё чемпионатини учинчи ўринда якунлади.

ФУТБОЛ

Дилшод Нуралиев бош мураббийлигидаги Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси (U-17) Тошкент шаҳрида йигинни якунлади.

Мағлубият, дуранг, ғалаба

22 июл куни машғулотларга киришган ўсмирларимиз учта назорат учрашуви ўтказишди. Нуралиев шогирдлари дастлаб «Пахтакор» ёшларига қарши майдонга тушиб, 1:2 ҳисобида мағлубиятга учраган бўлса, «Бунёдкор» клуби ёшлари билан баҳсда 1:1 ҳисобидаги дурангни қайд этди. Ўсмирлари-

мизнинг голига Аббосбек Нейматуллаев муаллифлик қилди. Шундан сўнг, Нуралиев шогирдлари Тошкентнинг бошқа бир жамоаси — «Локомотив» клуби ёшларини йирик — 5:0 ҳисобида енгишди. Мазкур ўйин терма мизнинг Тошкент йигини давомидаги сўнгги назорат учрашуви бўлди.



Эслатиб ўтамиз, Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси (U-17) шу йилнинг 17 октябр — 8 ноябр кунлари Бирлашган Араб Амирликларида бўлиб ўтадиган жаҳон чемпионати баҳсларида иштирок этади. Мазкур турнирнинг финал босқичига қўрға ташлаш маросими 26 август кунига белгиланган.

«ЎЗБЕКИСТОН КУБОГИ — 2013»

Ўзбекистон Кубогининг ярим финал дастлабки ўйинида «Пахтакор» ўз майдонида «Насаф»ни қабул қилиб, дурангга имзо чеқди. Ўйин ҳар икки жамоанинг ҳужумлари остида ўтди.

Кучлар ҳозирча тенг

Бир қатор қулай вазиятлар бўлганига қарамай, томонлар дарвозаларни ишғол қила олишмади. «Пахтакор» таркибида ёшлар терма жамоалари аъзолари анча яхши ҳаракат қилган бўлса, «Насаф» таркибида Артур Геворкян ва Шохруҳ Гадовнинг фаоллиги сезилиб турди. «Пахтакор» иккинчи бўлимда ҳужумларни анча кучайтирди. Айниқса, жамоага қайтган


Анвар Солиев майдонга тушганидан кейин ҳужумлар сони кўпайди. Ҳатто гол киритилди. Аммо бу вазиятда ўйиндан ташқари ҳолат қайд этилди. Энди жавоб ўйини Қарши шаҳрида бўлиб ўтади.

Адҳам АРСЛОНОВ, «Ishonch» муҳбири

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

— Кўрғазмага Нукус шаҳридан фарзандларим билан бирга ташриф буюрдик, — дейди Ўзбекистон Бадий академияси Қарақалпоғистон Республикаси бўлими раиси Гулбахор Изен-таева. — Санъатшунос булганим учун ҳам бундай кўрғазмаларнинг аҳамиятини чуқур ҳис қиламан. Кўрғазманинг очилиш маросимида қатнашаётган талаба ёшлари кузатар эканман, уларнинг кўзларида истиқлолнинг тенгсиз имкониятлари акс этганини кўрдим. Биз ҳам 25 йилда Қарақалпоғистон Республикаси Бадий академияси кўрғазмалар залида мустақилликнинг 22 йиллиги муносабати билан пойтахтда ўқитган ёш ижодкорларнинг «Обод элнинг гўзал ёшлари» кўрғазмасини уюштирдик. Унда 7 нафар талабанинг 90 дан ортиқ рангтаъбир асарлари намойиш этилди. Маънавиятимиз ривожини санъат дурдоналарисиз та-

«Тошкент: кеча ва бугун»



саввур этиб бўлмайдими, — дейди Ўзбекистон ҳаққ расмони Ж.Умарбеков. — Истиқлол биз расомлар учун тафаккур, ўзлик аталмиш майдон ярат-

ди. Ижодкор меҳнатининг қадрлини, ҳақиқий истеъдодларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш борасида қилинаётган ғамхўрликлар

хар бир санъаткор қалбида ишонч чирогини ёқди.

Кўрғазмага қўйилган 72 муаллифнинг ранг-таъбир асарлари, 150 тага яқин Тошкент тарихи, 160 тадан ортиқ унинг замонавий қиёфасини акс эттирувчи фотосуратлар айнан кеча ва бугунни таққослаш имконини беради. Бир сўз билан айтганда, кўрғазмага ташриф буюрганлар Тошкентимизнинг бой тарихи, мустақиллик йилларида юз берган бекиёс ўзгаришлар ҳақида муайян тасаввурларга эга бўлади.

Кўрғазма 10 августга қадар давом этади.

Амина ҚОДИРОВА, «Ishonch» муҳбири. Сарвар УРМОНОВ (ЎЗА) олган суратлар

Реклама ва эълонлар

«Auto Trade Cooperation» МЧЖ Андижон вилоят филиали очик аукцион савдоларига таклиф этади!

2013 йил 3 сентябр кунини соат 10.00да аукцион комиссияси иштирокчида бўлиб ўтадиган бошланғич баҳоси қадам-бақаддам ошиши тартибида ўтказиладиган «Очик аукцион» савдосига Андижон вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгашининг 2008 йилда и/ч д/р 60/726 ҚАА, «Лада-21154-120-20» русумли бошланғич баҳоси 3 516 000 сўм, 1996 йилда и/ч д/р 60/728 ҚАА, «Эсперо» русумли бошланғич баҳоси 9 310 000 сўм, 1998 йилда и/ч д/р 60/729 ҚАА, «Тико» русумли бошланғич баҳоси 4 009 000 сўм, АСМХ ходимлари касаба уюшмаси Хўжабод туман кенгашининг 1989 йилда и/ч д/р 17 АА 613, «ВАЗ-2107» русумли бошланғич баҳоси 1 328 000 сўм, АСМХ ходимлари касаба уюшмаси Балхик туман кенгашининг 1998 йилда и/ч, д/р 60/726 ҚАА, «Тико» русумли бошланғич баҳоси 3 703 000 сўм, АСМХ ходимлари касаба уюшмаси Пахтабод тумани кенгашининг 1995 йилда и/ч, д/р 60/403 ЕАА, «Дамас» русумли бошланғич баҳоси 6 043 000 сўм, АСМ ходимлари касаба уюшмаси Андижон туман кенгашининг 1997 йилда и/ч, д/р 60/197 ҚАА, «Дамас» русумли бошланғич баҳоси 7 048 000 сўм, АСМХ ходимлари касаба уюшмаси Марҳамат туман кенгашининг 1995 йилда и/ч, д/р 17 АЕ 805, «Тико» русумли бошланғич баҳоси 3 972 000 сўм, АСМХ ходим-

лари касаба уюшмаси Изобоскан туман кенгашининг 1998 йилда и/ч, д/р 60/016 НАА «Тико» бошланғич баҳоси 4 524 000 сўм, АСМХ ходимлари касаба уюшмаси Асака туман кенгашининг 1991 йилда и/ч, д/р 60/946 ҚАА, «Москвич ИЖ-412» русумли бошланғич баҳоси 705 000 сўм, ҳамда 2006 йилда и/ч, д/р 60/203 ААА, «Нексия» русумли бошланғич баҳоси 18 965 000 сўм бўлган қўйидаги автотранспорт воситалари қўйилади. Юқоридаги санада сотилмай қолган автотранспорт воситалари 2013 йил 10, 17, 24 сентябр ҳамда ҳафтанинг сешанба кунларида «Аукцион» савдоларига мунтазам равишда чиқарилиб борилади. Аукцион савдоси голиби томонидан асосий воситаси сотиб олиш баҳосидан ташқари савдо ташкилотчисига сотиб олиш баҳосининг 2,5% фойзи микдорда комиссия ингити тўланади. Аукцион савдоси голиби савдо ўтган кундан бошлаб 20 (йигирма) иш кунини ичиде сотувчи билан олди-сотди шартномасини тузади. Талабгорлардан аризалар ҳар кун (дам олиш кунларидан ташқари) соат 10.00дан 17.00гача Андижон вилояти, Андижон шаҳар, Алишер Навоий шох кўчаси, 30-уйда «Auto Trade Cooperation» МЧЖнинг Андижон вилоят филиалида ва Тошкент шаҳри, Амир-Темур 1-тор кўчаси, 6-уй, «Auto Trade Cooperation» МЧЖнинг марказий идорасида қабул қилинади. Талабгорлардан аризаларни қабул қилиш «Аукцион» савдолари бошланишидан 1 кун олдин, яъни 2013 йил 2 сентябр соат

10:00 да тўхтатилади. Аукцион савдоси Тошкент шаҳри, А.Темур 1-тор кўчаси, 6-уйда ўтказилади. Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлар «Закалат пули тўғрисидаги қелишувни имзоланган дан сўнг объект бошланғич баҳосининг 15% (ўн беш) фойзидан кам бўлмаган микдорда закалат пулини «Auto Trade Cooperation» МЧЖнинг ХОАТБ «InfibANK» банкидаги МФО: 01041, ИНН: 302477464, х/р: 20208000505015685001 ҳисоб-рақамига ва «Auto Trade Cooperation» МЧЖ Андижон вилоят филиалининг «AGROBANK» ОАТБ Андижон вилоят бошқармаси МФО: 00077, ИНН: 302654743, х/р: 20208000300241107001 ҳисоб-рақамига тўлашлари ва қўйида кўрсатилган ҳужжатларни топширишлари керак: аукцион савдосида қатнашиш учун юридик шахслардан давлат рўйхатида ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусخаси, агар ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат илова қилинган ҳолда; жисмоний шахслардан паспорт нусхаси, закалат пули тўлаганини ҳақида тўлов ҳужжати. Иштироий қўшимча хизматлар кўрсатиш учун тўлов олинади. Қўшимча маълумот олиш манзили: Тошкент шаҳри, А.Темур 1-тор кўчаси, 6-уй. Тел: (+99895) 177-96-74. Андижон вилояти, Андижон шаҳри, А.Навоий шох кўчаси, 30-уй. Тел: (+99891) 484-14-47. E-mail: avto\_tc@mail.ru

Гувоҳнома № 005148

«Respublika mulk markazi» ЁАЖ «Poytaxt filiali» бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Савдога Тошкент вилояти Бекобод тумани Агрорасоат Маҳмуи ходимлари касаба уюшмаси кенгашининг 2013 йил 14 июндаги 13/18-сонли раёсат қарори ва 2013 йил 23 июлдаги 51-сонли бюртманомасига асосан, Тошкент вилояти, Бекобод тумани, Улугбек фермерлар уюшмаси, 2-бўлим манзилида сақланаётган «ВАЗ 2121» русумли, 1986 йилда и/ч, д/р 95-95 ТША бўлган техник носоз автотранспорт воситаси қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси — 3 017 027 сўм. Аукцион савдоси 2013 йил 3 сентябр кунини соат 11:00дан бошлаб ўтказилади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилишнинг охири мuddати: 2013 йил 30 август кунини соат 18:00.

«Respublika mulk markazi» ЁАЖ «Poytaxt filiali» бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Савдога Агрорасоат Маҳмуи ходимлари касаба уюшмаси Бўстонлик туман кенгашининг 2013 йил 10 июлдаги 2-сонли фармойиши ва 2013 йил 23 июлдаги 28-сонли бюртманомасига асосан, Тошкент вилояти, Бўстонлик тумани, Фазалкент шаҳри, Ибн Сино кўчаси, 4-уй, 5-хонадон гаражи манзилида сақланаётган «Газ 31029» русумли, 1993 йилда и/ч, д/р 11 АФ 426 бўлган, техник носоз автотранспорт воситаси қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси — 2 855 500 сўм. Аукцион савдоси 2013 йил 3 сентябр кунини соат 11:00дан бошлаб ўтказилади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилишнинг охири мuddати: 2013 йил 30 август кунини соат 18:00. Автотранспорт воситаси 2013 йил 3 сентябр кунини соатилган тақдирда, такрорий савдога 2013 йил 10, 17 сентябр кунлари соат 11:00 да ўтказилади. Аризаларни қабул қилиш: 2013 йил 10 сентябрдаги такрорий савдога учун 6 сентябр кунини соат 18:00; 17 сентябрдаги савдога учун 13 сентябр кунини соат 18:00 да тўхтатилади. Савдо голибига 10 иш кунини ичиде сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади. Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 15 фойзидан кам бўлмаган микдорда закалат пулини ОАИКБ «Ипак йўли банки» Сағбон филиалидаги қўйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: 20210000500571452141, МФО: 01036, СТИР: 200933850, ОКОНХ: 83300 Манзил: Тошкент ш., Миробод т., Истикфол кўчаси, 34-уй. Телефон: (8-371) 236-38-28. Расмий сайтими: www.rtm.uz.

Хизматлар лицензияланган

Аукцион савдолари хабарномаси! «Best Globe Realtor» масъулияти чекланган жамияти бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 25 апрелдаги «2012-2013 йилларда Давлат мулкни хусусийлаштириш дастури тўғрисида»ги ПҚ-1743-сонли қарори ва Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси Бухоро вилоят худудий бошқармасининг 2013 йил 29 июлдаги 27а-сонли буйруғига асосан Бухоро шаҳар М.Бурхонов кўчаси манзилида жойлашган Бухоро троллейбус бошқармаси ҳисобидидаги умумий ер майдони 194,68 кв.метрдан иборат бўлган бошланғич баҳоси — 90 028 000 (Тўқсон миллион йигирма саккиз минг) сўм бўлган «Шарқ-1» подстанцияси бино ва иншоотлари очик «Аукцион» савдосига қўйилмоқда. Балансада сақловчининг номи: Бухоро троллейбус бошқармаси. Фаолият ихтисослиги: Тадбиркорлик. Юқорида кайд этилган объектнинг савдоси 2013 йил 4 сентябр кунини соат 11.00 да бўлиб ўтади. Бюртманомалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. (13.00 дан 14.00 гача тушлик). Бюртманомаларни қабул қилишнинг охири мuddати: 2013 йил 3 сентябр кунини соат 18.00. Ушбу объект 2013 йил 4 сентябр кунини соатилган тақдирда, такрорий аукцион 2013 йил 11, 18, 25 сентябр кунлари соат 11.00 да бўлиб ўтади. Такрорий савдога учун бюртманомаларни қабул қилишнинг охири мuddати: 2013 йил 11 сентябрдаги савдо учун 2013 йил 10 сентябр кунини соат 18.00, 2013 йил 18 сентябрдаги савдо учун 2013 йил 17 сентябр кунини соат 18.00, 2013 йил 25 сентябрдаги савдо учун 2013 йил 24 сентябр кунини соат 18.00. Талабгор «Объект» бошланғич баҳосининг 15 фойзидан кам бўлмаган микдорда закалат пулини бюртманомалар қабул қилинадиган охири кунга қадар аукцион ташкилотчисига рекевизитлари: ХХТУТ 83200, СТИР 302045495, МФО 00115 ОАТБ Қишлоқ қурилиш банки Бухоро вилоят минтақавий филиалидаги 20208000204922559001 ҳисоб рақамига тўлашлари шарт. Савдо натижаси кунларига асосан голиб бўлган иштирокчига 20 кун ичиде сотувчи (Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси Бухоро вилоят худудий бошқармаси) билан олди-сотди шартномаси расмийлаштириш мажбурияти юклатилади. Тўланган закалат пули объект сотилиш баҳосининг 15 фойзидан кам бўлган микдорни ташкил этса, савдо голиби давлат активининг олди-сотди шартномаси тузилгунга қадар сотувчи ёки аукцион ташкилотчисининг банк ҳисоб рақамига етишмаётган сўмларни тўлаши шарт. «Аукцион ташкилотчиси» — «BEST GLOBE REALTOR» масъулияти чекланган жамияти. Аукцион савдолари манзили: 200100, Бухоро шаҳар Мустақиллик кўчаси, 10-уй. Лицензия RR 0029, E-mail: bg\_realtor@list.ru, тел: +99 895 600-97-17, 8 365 223-49-24.

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi  
Muassis:  
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Bosh muharrir o'rinbosari  
Zayniddin Rixsiyev  
Tahrir hay'ati:  
Muhammad Ali Ahmedov, Baxtiyor Mahmadvallayev, Oksana Belasova, Sog'Indiq Niyetullayev, Eson Rajabov, Jahongir Sharofboyev (Mas'ul kotib).

2007 yil 11 yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-ragan bilan ro'yvatga olingan.  
ISSN 2010-5003  
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Bo'limlar:  
Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63, Huquq va xalqaro hayot — 256-64-69, Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79, Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43, Reklama va e'lonlar — 256-87-73.  
Viloyatdagi muxbirlar:  
Andijon + 998 91 141-27-70; Buxoro + 99893 653 50 81; Sirdaryo + 998 90 999 58 30; Jizzax + 998 94 418-67-49; Navoiy + 998 94 226-28-84; Namangan + 998 90 260-50-77; Samarqand + 998 93 352-50-87; Qashqadaryo + 998 91 467-30-01; Surxondaryo + 998 95 502-16-68; Farg'ona + 998 90 583-49-79; Qoraqalpog'iston Respublikasi va Xorazm + 998 90 719-48-00.

Manzilimiz:  
100165, Toshkent shahri, «Buxoro» ko'chasi, 24-uy  
Nashr ko'rsatkichi:  
133  
Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

Navbatchi muharrir:  
A. Qodirova  
Qandirova  
N. Mahamov  
Musahhib:  
S. Shodiyeva  
Boshlshga topshirish vaqti - 22.00  
Topshirildi - 23.50  
E-mail: ishonch2012@gmail.com

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida teriladi va sahifalandi. Sahifalovchi: H.Abduljalilov  
«Sharh» nashriyot matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshqarmasida chop etildi. Korxonangizni: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy.